Биография

Сергей Николаевич Иванов



Сергей Николаевич Иванов таниқли турколог-ўзбекшуносларданбири филология фанлари доктори. С. Н. Иванов 1922 йилнинг 11 апрелида Ленинградда ҳарбий хизматчи оиласида туғилди; ўрта маълумотни ҳам Ленинградда олди. 1940 йилда Совет Армияси сафига чақирилди; 1941 йилда Артиллерия техника мактабини тугатиб, 1945 йилгача Улуғ Ватан урушида офицер бўлиб хизмат қилди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, Ленинград Давлат университети Шарқ факультетининг турк тиллари филологияси бўлимига ўқишга кирди, уни 1951 йилда имтиёзли диплом билан битириб чиқди. С. Н. Иванов 1951 йилда Бухоро Давлат педагогика институтига келди. Бу ерда умумий тилшунослик, рус ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси, туркологияга кириш бўйича лекциялар ўқиди; кейинроқ институт ректорининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ҳам ишлади. 1953 йилда эса яна Ленинградга қайтиб, ўзи ўқиган университетнинг турк тиллари филологияси кафедрасига ўзбек тили разряди бўйича аспирантурага кирди; аспирантурани битиргандан Ленинград университети турк филологияси кафедрасида хизмат қилган. Бу ерда у ҳозирги замон ўзбек тили, эски ўзбек тили, турк тили, туркий тилларга кириш, турк тилида араб ва форс элементлари бўйича йирик мутахассис саналади, шу курслар бўйича лекциялар ўқийди. Олим 1958 йилда проф. А. Н. Кононов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида -ган формасининг синтактик функцияси» деган мавзуда кандидатлик диссертацияси, 1969 йилда эса «Шажараи тарокима» асарининг грамматик қурилиши» деган мавзуда докторлик диссертацияси ёқлаган. С. Н. Ивановнинг ўзбек тилшунослиги ва туркологиянинг бошқа соҳалари бўйича 30 дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинган. Бу ишларида у соф лингвистик масалалардан ташқари, таржима назарияси бўйича ҳам фикр юритади, туркий шоирлар асарлари таржимасининг анализини беради. Кези келганда шуни ҳам айтиш ксракки, олим буюк Навоий асарларидан 22 қитъани, 21 туюқни ва 14 ғазални рус тилига моҳирона ўгирган таржимон ҳамдир.

Асарлари:

1953 Улучшать преподавание русского языка в вузах национальных республик (Совместно с М. А. Жовтобрюхом). «Вестник высшей школы», № 2, Москва.

1957 Категория залога в определительных сочетаниях с формой на -ган в узбекском языке. Журнал «Вопросы языкознания», № 2, Москва. К вопросу о грамматической природе формы -ган в современном узбекском языке. «Вестник ЛГУ», № 8, Серия истории, языка и литературы, вьш. 2, Ленинград.

1958 Прошедшее перфективное время в современном узбекском языке. Сб. «Памяти академика И. Ю. Крачковского», Ленинград. Об одном источнике развития устойчивых синтаксических моделей в узбекском языке. «Уч. зап. Бухарского Государственного педагогического института. им. С. Орджоникидзе», вып. 1(5), Бухара.
Модальная связка экан и форма эканлик в узбекском языке. «Уч. зап. ЛГУ», № 256, Серия востоковедческих наук, вып. 7, Ленинград.
К характеристике лингвистического наследства Н. Ф. КаТанова. Сб. «Николай Федорович Катанов. Материалы и сообщения», Абакан. О соотношении узбекских форм на -ган и -ганлик. «Научные доклады высшей школы. Филологические науки, № 4, Москва.

1959 Очерки по синтаксису узбекского языка. Ленинград. Тюркские атрибутивные конструкции с показателем относительной связи. «Уч. зап. ЛГУ», № 282, Серия востоковедческих наук, вып. Т1, Ленинград.

1960 Категория залога в причастиях узбекского языка. «Исследования по истории культуры народов Востока», Сб. в честь академика И. А. Орбели, Москва-Ленинград. Кафедра тюркской филологии. «Уч зап. ЛГУ» («Востоковедение в Ленинградском университете»), № 296, Серия востоковедческих наук, вып. 13, Ленинград.

1961 О соотношении грамматического и лексического в узбекских залогах. «Уч. зап. ЛГУ», № 294, Серия востоковедческих наук, вып. 12, Ленинград.

1962 Николай Федорович Катанов (1862— 1922). Очерк жизни и деятельности, Москва — Ленинград.
Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма. I ва XI боблари.

Асарлари:

1964

Турецька мова. Укра1нскька Радянська Енц1клопед1я, т. 15 (Туман — цемент). Ки1в. Последние годм жизни Н. Ф. Катанова (1907— 1922). «Уч. зап. Хакасского научно-исследовательского института язьша, литературм и истории», вьш. 10, серия филологическая, Абакан.

1965

Категория принадлежности в тюркских языках. «Филология и история стран зарубежной Азии и Африки». Тезисы научной конференции Восточного факультета 1964—65 уч. г. (11 — 14 мая), Ленинград. - Навои. Стихотворения и поэмы. «Библиотека поэта». Малая серия (вступительная статья, составления и примечания). Алишер Навои. Туюги, Газели, Китъа. Журнал «Звезда Востока» № 8, Ташкент.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.